
НАУКА XXI ВЕКА

Февраль 2020

Ежемесячное научное издание

«Редакция журнала "Наука XXI века"»

Москва 2020

Наука XXI века
Февраль 2020

Ежемесячное научное издание.

Зарегистрировано в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций (Роскомнадзор).

Свидетельство о регистрации средства массовой информации
ПИ №ФС77-65928 от 06 июня 2016 г.

Адрес редакции:
123317, г. Москва, ул. Тестовская, д. 10
E-mail: info@nauka21veka.ru

Главный редактор Иванов Владимир Владимирович

Адрес страницы в сети Интернет: nauka21veka.ru

Публикуемые статьи рецензируются
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей
Ответственность за достоверность изложенной в статьях информации
несут авторы
Работы публикуются в авторской редакции
При перепечатке ссылка на журнал обязательна

© Авторы статей, 2020
© Редакция журнала "Наука XXI века", 2020

Содержание

Содержание	3
Филологические науки	4
РОМАН СЮЖЕТИДА ХРОНОТОПЛАР	4
Неологизмы в современном английском языке	7

РОМАН СЮЖЕТИДА ХРОНОТОПЛАР

АБДУЛЛАЕВ ҲАМРО ДАУЛЕТБАЕВИЧ

Доцент, филология фанлари номзоди,
Қорақалпоқ давлат университети, Ўзбекистон, Нукус

Аннотация: Ушбу мақолага таниқли ўзбек ёзувчиси Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романи объект қилиб олинган. Мақолада Улуғбек Ҳамдамнинг бадиий сюжет яратиш маҳорати, шунингдек, сюжет линияларида хронотопларнинг бадиий эстетик функциялари кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, роман сюжетидаги хронотоп турлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: роман, сюжет, сюжет линиялари, хронотоп, образ, рамз

Ҳар бир даврнинг ўз ижтимоий — сиёсий, маданий янгиликлари ва эврилишлари бўлади. Бундай жараёнда жамият ижтимоий тафаккурида албатта янгича, муайян дунёқараш шаклланади. Натижада, кечаги инсоннинг тафаккур тарзи, онги, тасаввур ва муносабатлари бутунлай ўзгаради.

Таниқли ўзбек ёзувчиси У.Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романидаги қаҳрамонлар ҳам ана шундай тарихий — ижтимоий жараённинг реал бадиий — типик образлардир.

Маълумки, сюжет романнинг ички, асосий композицион қўринишидир. Асардаги персонажлараро алоқа — муносабатлардан келиб чиқадиган воқеалар тизимига сюжет деймиз. Романдаги воқеа — ҳодисалар бўлиб ўтадиган жой ва замонни таъминлайдиган, сюжет воқеаликларини ҳаракатлантирадиган, сюжет йўналишларини бадиий ниятга боғлаб, бадиий макон ва замон яратадиган элемент бу — бадиий хронотоплардир.

Рус адабиётшуноси М.Бахтиннинг «Тарихий поэтикадан очерклар» китобида, "хронотоп — юнонча хронос(замон) ва топос(макон) сўзларини бириктириш орқали ҳосил қилинган"[1.24-бет] деб маълумот берилади.

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий хронотоп масаласини илмий — назарий жиҳатдан кенг қамровли ўрганган профессор У.Жўрақулов хронотоп масаласини ёритар экан, "унинг бадиий асар негизидаги жанр, композиция, сюжет, бадиий матн, структураси, образлар поэтикасига доир муҳим қисмларни қамраб олиши"ни таъкидлаб ўтади. [2.89-бет]. Шунингдек, олимнинг таъкидлашича "бадиий асар, ундаги ҳар бир поэтик қисм хронотоп тизимида ўрганилмас экан, муайян асарни мустақил бадиий ҳодиса сифатида талқин этиш мураккаблашади«.[2.89-бет].

«Исён ва итоат» романида асосий сюжет бош(ёзувчи нияти билан боғлиқ бўлса-да) қаҳрамон Акбар билан боғлиқ бўлсада, романда 5 та сюжет линияси мавжуд. Сюжет йўналишлари алоҳида-алоҳида ривожланса-да, асар қаҳрамонлари ёзувчи бадиий ниятига боғлиқ яратилган макон ва замонда тақдирлари кесишадилар, яъни тақдир йўли хронотопида учрашадилар.

Роман сюжети ва сюжет линиялари бевосита хронотоплар орқали моддийлашади ва англашилади. Романдаги Акбар, Табиб, Лариса, Диана, Турсунбой сингари қаҳрамонлар билан боғлиқ сюжетлар диалектик оқими бевосита йўл, "катта йўл"(М.Бахтин) хронотопи билан боғлиқ. Бу йўл шохни ҳам, гадони ҳам, қайси макон ва замонга мансублигидан қатъий назар муайян абстракт маконда бирлаштирадиган тақдир йўлидир. Демак, романда макон ва вақт тушунчаси биз билган техник макон ва замондан анча кенг қамровлидир. Чунки романда танланган мавзу эски муаммо бўлса-да, ёзувчи уни янгича талқин қилиб, инсоннинг олам ва одам ҳақидаги дастлабки кўҳна прементив ва исёнкорона хоҳиш — интилишларини янгича рамзий образлар воситасида ифода қилган.

Романнинг асосий сюжети асар қаҳрамони Акбар билан боғлиқ диалектик тадриж топиб боради. Бош сюжетнинг воқеликка айланишида қамоқхона хронотопи, қалб хронотопи, мактаб хронотопи, қишлоқ хронотопи, бегона(хорижий) шаҳар хронотопи, шаҳар ва шаҳардаги уй хронотопи каби

хронотоплар катализатор вазифасини бажарган, деб бемалол айта оламиз. Чунки қаҳрамонимиз қамоқхонага тушгандан кейингина ўз-ўзи билан, ўз мени билан рўбару келади.

Акбар устозининг: «Ҳикматни уққанга гапиргин, болам йўқса, ҳар икки томонга ҳам жабр қиласан» деган гапларини.. мингинчи бор хаёлидан ўтказди. ...қизиқ, устоз ўз ўғитининг учинчи томони борлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмикан? Ахир эшитувчи, яъни сомеъ — бир томону, ҳикмат бир томон бўлса, жоҳилга ўғит сўйлаб кўйиб, унинг жабрини чекаётган учинчи томон мен-ку! [3.284-бет]. **Сўзловчи** — Акбар; **Эшитувчи** — Тангри; **Тингловчи** — фикр йўналтирилган субект.

Ушбу монолог — мулоҳазадан аён бўладики, Акбарнинг қалбига ва онг қатламларида «жабрини чекаётган учинчи томон мен-ку» деган хулосага келади. Бу эса қалбдаги исённинг дастлабки намоён бўлиши эди. Акбар қамоқхонада қалбида кечаётган аччиқ аламлар дардидан ҳам кўпроқ ўз табиатида худди ирсиятдек пайдо бўлаётган ҳайвоний одатларидан кўрқарди". "Бироқ энг ёмони — мен инсонга қарши бемалол, ҳеч тап тортмай қўл кўтараяпман. Шунга ўргандим. Гўё арзимас бир ишдек. Аслида-чи? ...Йўқ, қамоқ инсонни тарбия қиладиган эмас, уни тамоман маҳв этадиган жой экан..«[3.284].

Бу қаҳрамонимизнинг қамоқхонада қалбида кечган биринчи исён бўлса, сюжет ривожи давомида Акбар қамоқхонадан чиққанидан кейин ўз касби ўқитувчиликка (она тили ва адабиёти) ишга жойлашмоқчи бўлади. Аммо, тақдир «ато этган» тамға сабабли бирон мактабга ишга олишмайди. Бу эса қалбдаги исённи яна авж олдиради. Энди унинг қалбида яхшилик ва ёмонлик, жоҳиллик ва ирфон кураши бошланади. Қамоқхонадан чиқиб ҳам бу исёндан фориғ бўла олмайди. Унга бу оламнинг — қамоқхонадан фарқи қолмайди.

Акбар табиб устозининг маслаҳатига амал қилиб йўлга чиқади. Тирикчилик эҳтиёжи сабаб Россия шаҳарларидан бирига қовун олиб боради. Бу шаҳарда инсоний қиёфасини йўқотган, муштумзўрлар қўлига тушиб, бор-будидан айрилади. Ўзи бир ўлимдан қолади. Бегона юрт(шаҳар) хронотопи орқали Акбар инсон қалбини, унинг исён ноталарини яна бир бор ҳис этди: «улкан чуқурликда жойлаштирилган ва чор томони панжара билан ўралган бу машина гўшт майдалайдиган баҳайбат «мясорубка» эканини Акбар энди англади. Тилига дуо кўчиб чиқди. Кўз олдида ўғли ва қизи намоён бўлди.

— Ҳали вақт бор, тиз чўкиб ёлборсанг тирик қолишинг мумкин, ўзбек!.. — орқадан "босс"нинг овози келди.

— Ўзбеклигимдан ташқари яна мен эркакман! — бақирди Акбар".

"Ҳатто дуони ҳам унутди. Фақат исён бор эди..Исён бўлгандаям, ўз қисматида, қисматининг аламли, дунёнинг фирибдан, зўравонликдан, алдовдан иборат эканлигига қарши арзимас Исён! ... «Сен ҳам адолатсизмисан тангрим? ... «босс» унга тикилиб турарди..у чўнтагидан ниманидир олиб Акбарнинг кўкрагига ташлади. Акбар ..юзига яқин олиб каради: бир даста пул! Яна кўм-кўк...

— Нега? Нима учун?...

— Эркак битта сенми дунёда?! — «босс» бурилиб ...кетди.[3.296-бет].

Қаҳрамонимизнинг сюжет, онг оқими ривожи давомида ўзи исён қилган (ўзи англаган АРОСАТ) оламнинг сиру — асрорларини, қутилган ва қутилмаган "совға«ларини кашф қилиб борди. У қалбан ўсиб, улғайиб борарди. Шундай бир жараёнда у ўз кишлоғини, оиласини ташлаб шаҳар(пойтахт)га кўчиб кетади. Шаҳардан ҳамма қатори кўп қаватли уйлардан квартира сотиб олади. У ҳаётини, ҳаммасини ибтидодан бошлашни ният қилади. Аммо, турмуш ўртоғи ва болалари ҳа деганда келавермайди. Аҳён-аҳёнда келишиб, яна қайтиб кетишарди. Акбар, хотини ва болалари бунга кўниқиб ҳам қолишган.

Ушбу кўп қаватли уй хронотопида Акбар қўшни аёл Дианани севиб қолади. Диана ҳам ҳаётда адашган, ўз ёшлиги, гўзаллиги ва кўҳлигига ишониб йўлини йўқотган, кейинчалик, қалбдаги исённинг малҳамини Акбардан топган оддий аёл эди. Романдаги Лариса хола образи ҳам ҳаётга, тақдирига енгил назар билан қараган, умрини кайфу сафо билан ўтказган ва ёшини яшаб бўлган аёлларнинг типик

образидир. Лариса хола қариганда кўнглидаги исёнга малҳам тополмади. Чунки унинг вужуди қариди, вақт ўтди, ёлғиз яшади, яқинлари, қариндошлари дунёни тарк этган. Қисматида бор экан ўзини ўзи ўлдиради. Романдаги катта авлод Лариса хола билан кичик авлод Диананинг тақдир йўллари ўхшаш. Ёзувчи романда улар яшаган макон ва замондан қатъий назар «катта йўл» хронотопида авлодлар — аждодлар тақдиридан сабоқ олишини истагандек кўринади.

Роман қаҳрамони Акбар Диана билан анча йиллар бирга яшайди. Қалбидаги исён сўнгандай бўлади, ором олади. Танрига таъна-дашном қилмайдиган бўлади. Ҳаёти бир маромда кечарди. Севгилиси Диана ёнида, бирга эди. Аммо, ёши қирқдан ўтиб, элликка келдики, қалбида яна нимадир содир бўлди. Йўқ, у Дианани севади, ҳурмат қилади. Лекин қалбида, бутун вужудида аввалгидек исён, олов йўқ, у сўнишга ёки ўзини англашга яъни итоатга энди мойил эди. Асосий сюжет билан боғлиқ охириги манзил ҳам ибтидодаги қишлоқ хронотопи ҳисобланади. Сюжет ечимида Акбар қишлоғига, қайтиб келади. Яъни яратгандан ажралган олов-зарра ўз интиҳоси йўлида ўзинини топади. Қалбдаги исён-олов қуввати ила Акбар кўнгил истакларининг майли билан барча руҳий босқичларни бошидан кечиради.

Романдаги сюжет, анъанавий сюжетлар каби воқеа-ҳодисаларга бой эмас. Асар сюжетининг таркибий қисмлари бўлган экспозиция, тугун, воқеалар ривож, кулминацион нуқта, ечим каби элементлари ҳам анъанавий романлардаги сингари реал моддийлашув (очиқ намоён бўлиш) хусусиятига эга эмас. Балки, ундаги воқеа-ҳодисалар монолог-муҳокама, монолог-мулоҳаза, монолог-хотиралар бўлиб, қаҳрамоннинг онг оқимидаги мантиқий тафаккур тузулишини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, романда Акбар билан устози(табиб)нинг, шунингдек, ёрдамчи образлар бўлган Лариса хола ва Дианаларнинг тақдир йўллари муайян макон ва замонда(катта авлод ва кичик авлод) умумлаштирилган ва индивидуаллаштирилган. Романдаги Турсунбой образи эса қалбидаги олов(исён)ни жиловлай олган ва уни оиласига қарата йўналиш берган, аммо мувозанатни, меъёрини билмаган, бир қарашда реал, бир қарашда рамзийлашган образ ҳисобланади. Умуман олганда, романда инсон қалби ҳис қилган ва онг сажиясида хулосаланган натижалар — итоат кўринишини ҳосил қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Бахтин. Романда замон ва хронотоп шакллари. «Академнашр», Тошкент., 2015
2. У.Жўрақулов. Назарий поетика масалалари.«Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», Тошкент., 2015
3. Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ. «Академнашр», Тошкент., 2014

Неологизмы в современном английском языке

Мальшева Татьяна Борисовна

к. ф. н., доцент кафедры английского языка МБ,
Всероссийская Академия Внешней торговли
г. Москва, РФ

E-mail: malta_t@mail.ru

Аннотация

В статье предлагается анализ трудностей перевода и обучения учащихся неологизмам и современным приемам их перевода. Автор исследует способы образования неологизмов и их значение для успешного овладения общественно-политической и экономической лексикой современного английского языка взрослой аудиторией.

Ключевые слова: неологизмы, приемы перевода неологизмов, способы образования, общественно-политическая лексика.

Неологизмы в современном английском языке.

Неологизмами принято называть новые слова, ещё не зарегистрированные в англо-русских словарях, или не зафиксированные словарями новые значения слов, уже существующих в языке. [1] Перевод неологизмов часто вызывает затруднения у учащихся в силу того, что часто сложно найти соответствующую словарную статью в специализированных словарях, порой не успевающих обновляться вслед за стремительными изменениями современной жизни.

Для уяснения значения неологизма учащимися преподавателю следует рекомендовать:

- 1) выяснить значение слова из контекста;
- 2) обратиться к последнему изданию специализированного англо-русского или англо-английского словаря и попытаться найти данное слово в разделе «Новые слова»;
- 3) постараться выяснить значение слова, исходя из его структуры.

При переводе неологизмов используются следующие переводческие приёмы:

- 1) транскрипция (briefing — брифинг, P.R. (public relations) — пиар);
- 2) транслитерация (inauguration — инаугурация, Benelux — Бенилюкс);
- 3) калькирование — воспроизведение средствами русского языка значений и морфологической структуры нового английского слова или словосочетания (air bridge — воздушный мост, nuclear umbrella — ядерный зонтик, shadow cabinet — теневой кабинет);
- 4) описательный перевод (redundancy — увольнение по сокращению штатов, landslide — полная, блестящая победа на выборах, gimmick — трюк, нацеленный на привлечение всеобщего внимания, brain washing — идеологическая обработка, hawks and doves — сторонники расширения войны и сторонники мира).

Аудитории, изучающей неологизмы в ОПД, следует рассказать об образовании неологизмов. Это поможет лучше ориентироваться в переводе специальной терминологии. Кроме того, большое значение для правильного толкования неологизмов приобретают экстралингвистические факторы, такие как история, география, культура данного региона и коммуникативно-поведенческие особенности представителей этой местности, употребляющих данный неологизм.

Неологизмы могут возникать вследствие **расширения значения слова**, когда, будучи употреблённым в различных контекстах, слово приобретает новые оттенки значения, а иногда и новые значения. Например, confrontation первоначально обозначало «очная ставка, сличение,

сопоставление». Впоследствии это слово стало употребляться в словосочетании «confrontation of armed forces» в значении «соприкосновение вооружённых сил». В настоящее время confrontation означает «столкновение, противостояние, противоборство».

Учащимся необходимо объяснить важность культурно-исторических знаний о стране изучаемого языка в процессе изучения общественно-политической лексики. Без этих знаний даже самый прозрачный контекст порой не помогает правильному толкованию семантики слова. Например, a green revolution — «зелёная революция» (революция в сельском хозяйстве ряда развивающихся стран, связанная с введением продуктов, полученных с использованием генной инженерии); the «greens» — доллары; green power — власть денег; the Green Party — партия «зелёных», выступающая в защиту окружающей среды; to do something in a green way — делать что-либо экологически чистым путём.

Учащимся также следует знать о **префиксальном и суффиксальном способах образования** новых слов, понимая значения каждого префикса и суффикса. Так, re- означает повторность действия: rethinking — переосмысление, renatification — денацификация, retraining — переподготовка. Префикс de- придаёт значение обратного действия: demilitarize — демилитаризировать, denuclearize — лишать ядерного оружия. Суффикс -ee образуют существительные со значением объекта действия: detainee — задержанный, parolee — взятый на поруки, retiree — ушедший на пенсию.

Неологизмы в ОПД образуются и путём **конверсии**: the needy — нуждающийся; to front-page — размещать на первой странице; to snowball — быстро распространяться, расти как снежный ком; the go-ahead — предоставление «зелёной улицы».

Среди неологизмов в ОПД есть слова типа teach-in (форма протеста). Глагольный корень здесь указывает на место или форму протеста или кампании: teach-in — протест в форме диспута, pray-in — протест в церкви, buy-in — требование равных возможностей при покупке дома, apply-in — требование равных возможностей при найме на работу.

При образовании неологизмов ОПД путём объединения двух слов получаются следующие сочетания: information+entertainment=infotainment, election+engineering=electioneering. При переводе восстанавливаются полные значения обоих слов, например, информационно-развлекательный.

Примером неологизмов, образованных с учётом нескольких экстралингвистических факторов, могут служить новообразования с -gate. В результате шумевшего скандала во время президентства Р. Никсона, когда использовался шпионаж для получения информации о планах соперничающей Демократической партии, штаб которой располагался в отеле Watergate, — слово gate в сочетании с именами собственными или нарицательными приобрело значение грубого политического скандала. Так, Lockheed-gate (Локхидгейт) обозначает скандал, связанный с дачей взятки компанией Локхид японскому правительству для получения выгодных заказов. Reagan gate, debate gate, briefing gate — скандал, связанный с кражей людьми Рейгана во время президентских выборов конфиденциальных документов Дж. Картера.

В настоящее время имена некоторых известных компаний становятся символами успеха и участвуют в образовании неологизмов. Так, to become the «Coca-cola» of global wireless communication означает «стать всемирно известной компанией сотовой связи».

Преподаватель английского языка, работая с ОПД лексикой, должен объяснить учащимся, что поскольку основной функцией политической речи является функция воздействия на слушающих, общий тон речи политика формируется во многом посредством выбора терминологии. Понимание изучающими лексику ОПД важности постоянного поддержания своей эрудиции и информационной осведомлённости в области современной политики, экономики, истории, страноведения и культурологии может служить залогом успешного овладения основами общественно-политического дискурса.

Литература

1. Г.Б. Антрушина, О.В.Афанасьева, Н.Н.Морозова «English Lexicology», М., Высшая школа, 1985
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. М.1959
3. Анисимова Т.А. Лингвистические характеристики публицистического текста (на материале аналитических статей современной британской прессы): Дис..канд.филол.наук. М.1998
4. Гуськова Т.И., Зиброва Г.М. Трудности перевода общественно-политического текста с английского на русский.: Учебное пособие, 3-е изд., исправленное и дополненное, М.: Российская политическая энциклопедия, 2000
5. Н.Г.Комлев. Словарь иностранных слов — М.: Эксмо-пресс, 1999
6. Мешков О.Д. Словообразование современного языка. М. 1976
7. Панин В.В. Политическая корректность как языковая и культурная категория//Межкультурная коммуникация: современные тенденции и опыт. Материалы всероссийской научно-практической конференции — Нижний Тагил, 2003
8. Сабельникова В.С. Роль конверсии как словообразовательного процесса в пополнении словарного состава современного английского языка (на материале неологизмов 1940-1970 г.г.):Автореферат дис. ...канд. Филол.наук. М., 1976

Ссылки

[1] Гуськова Т.И., Зиброва Г.М. Трудности перевода общественно-политического текста с английского на русский.: Учебное пособие, 3-е изд., исправленное и дополненное, М.: Российская политическая энциклопедия, 2000, с.145

Для заметок: